

МАҲБУБА ЭРМАТОВА

# МУНАВВАР ТОНГЛАР

ШЕЪРААР

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2007

84(59) 6-5

Ёш ижодкор Маҳбубанинг шеърларида дўстлик, муҳаббат, меҳр  
ришталари ўз ифодасини топади. Армон, соғинч туйғулари ҳам  
унинг ушбу илк китобчасининг мундарижасини безаб турибди.  
Сиз азиз шеърят ихлосмандлари учун бу мўъжаз тўплам яна бир  
қаламкаш билан гўзал танишув бўлади, деган умиддамиз.

20.08 R2619	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston
----------------	---

HD 33214/0  
91

ISBN 978-9943-08-130-7

© Маҳбуба Эрматова «Мунаввар тонглар». «Янги аср авлоди», 2007  
йил

## ОНАМГА

Намозида умрим сўраган онам,  
Хаёлларда бахтга ўраган онам,  
Соғиниб суратга қараган онам,  
Сизни дунёлардан топиб бўлмайди.

Меҳрингиз ифори қутлуғ мен учун,  
“Болам” деган бир сўз улуг мен учун,  
Сизни дунёлардан топиб бўлмайди.

Менга кавсар, обизамзам сўзингиз,  
Маҳзун юрагимга малҳам сўзингиз,  
Йиқилсам жонимга ҳамдам ўзингиз,  
Сизни жаннатдан ҳам топиб бўлмайди.

## ОТАМГА

Бахтлисан, деб айтсаларда қувончим йўқ,  
Кўзларимдан ёш тўксамда овунчим йўқ.  
Дўсту ёрим кўпу бироқ севинчим йўқ,  
Ота, менга кўзингиздан меҳр беринг.

Умидим бор, орзуйим бор, дуо қилиб,  
Қизим дея ижодимга умр тиланг.  
Бузрукворим, пойингизда ер бўлайин,  
Ота, менга кўзингиздан меҳр беринг.

Кўзларингиз ёғдусида дунё кўрай,  
Идрок олай, ўтмишингиз, сўзингиздан,  
Мадад бўлинг, Аллоҳимдан умр сўрай,  
Ота, менга кўзингиздан меҳр беринг.

Сингиб кетай ер қаърига отам дея,  
Майли жаннат кавсари ҳам сув бермасин,  
Аросатда қолиб кетай куя-куя,  
Фақат меҳр беринг, ота, кўзингиздан.

## ТАСКИН

Умид билан тўлган қалбимга  
Раҳна солди хазонли кузлар.  
Буни қандай тушунмоқ керак?  
Алдадилар ишончли кўзлар.

Ёлгон бўлди куйганинг энди  
Оташларда ўртанганларинг.  
“Бир сен” дея бонг уриб кўкка,  
Муҳаббатдан байт биттанларинг...

Куюк, аммо умидвор қалбим  
Ҳижронларга йўллайди мени.  
Юпанч бўлиб умрим йўлида,  
Армон севгим қўллайди мени!

Юрагимга яқинсан-ей...  
Ёмғир юрак қатларимни ювиб-ювиб,  
Бахтданмикин, нимадандир сўйлаб ўтди.  
Сочларимни эркалатиб, суйиб-суйиб,  
Билмам қандай хаёлларни ўйлаб кетди...

Ёмғир жуда юрагимга яқинсан-ей,  
Дил торларинг ўксик қалбга ҳамоҳангми?  
Дили маҳзун, кўзгинаси чақинсан-ей,  
Сен ҳам мендек, дарду алам ҳамроҳингми?!

Туйғуларинг поймолига кўнмай яша,  
Баҳоргача кўтиб юрай, бир кулиб кет.  
Ҳаётга-ку илинжинг бор, сўнмай яша,  
Мен сен билан дардлашайин, бир келиб кет...

## ФОНИЙ ДУНЁ

Фоний дунё азал шундай яралган,  
Кўргулигинг тушинга ҳам кирмайди.  
Хаёллари алдовларга ўралган,  
Ҳур қиз қалбин бугун бир ғам тирнайди.

Оқ либосда остонанга келганди,  
Ёш тўқдилар бахт порлаган кўзлари.  
Яшашга ҳам қўймадилар, нетайин,  
Ёнингдаги юрган ётлар сўзлари.

Афсус, энди гўшангада бир ёстиқ,  
Бахтли кунларини қўмсаб йиғлайди.  
Бу дардларинг кўриб жоним синглим-ей,  
Ота-онанг юрак бағрин тиглайди.

### *Нақорат*

Ёр уйидан йиғлаб қизлар қайтмасин,  
Самоларга таралсин бахт куйлари.  
Ҳеч қайси қиз бахтсизман, деб айтмасин,  
Ушалсин икки ёшнинг ўйлари.

## ЯГОНА ҚАРЗИМ

Юрак, мудроқ ётган хаёлни уйғот,  
Кўксига орзудан нишона бергин.  
Ўт нигоҳ хастадек сўнибди, ҳайҳот,  
Ёш қалққан киприқдан армонни тергин.

Қалб кечиб боради ғамлар уммонин,  
На соҳил, на ердан келмайди садо.  
Тақдир дариг тутди толеъ осмонин,  
Наҳот бир умрга яшашдан жудо.

Нажот сўраб сўнги ўтинчим қолди,  
Дунё умид дея беролди жавоб.  
Йўқ, ҳали ўлмайман, ягона қарзим,  
Ота-онам пойини қилурман тавоф.

## МУНАВВАР ТОНГЛАР...

Ойдин юзларида ҳарир пардалар,  
Табассум айлабон ой ҳам ботмоқда.  
Субҳидам айлабон ёришиб диллар,  
Юртимда мунаввар тонг ҳам отмоқда...

Бепоен адирлар нурга чўлғониб,  
Заминнинг меҳридан бўлмоқда сармаст.  
Озод элимизда қалблар уйғониб,  
Ёш авлод ўсмоқда бўлиб забардаст.

Ҳар саҳар, ҳар уйда шодлик овози,  
Ҳур диёр меҳрини ҳис этар юрак.  
Қанот қоқаетир кўнгил парвози,  
Бизга ҳурликдан да бўлак не керак?



## КҮНГИЛЛАР ДОДИ

*Муҳаббат опанинг ёлғизи Ғайрат хотирасига*

Осмондан армон-ла юлдуз тўкилди,  
Қанийди, орзуга етган бўлса у.  
Юрак садо бериб, қаттиқ ўкинди,  
Қанийди, жаннатга кетган бўлса у.

Титраб бағрин тилди, баҳорда лола,  
У кетди, афсусда орзулар қолди.  
Нотинч юрагида қайғули нола,  
Гулдай бир ўғлонни тобутга солди.

Навқирон эди, у қадамлари шаҳд,  
Ҳар баҳор бахтини кутиб яшарди.  
Эвоҳ, кўрмай кетди саодату бахт,  
Энди насиб этсин жаннатлардан тахт.

## ЮРАГИМДА НЕ БОР БИЛМАЙСИЗ...

Тун. Сукунат. Митти юлдузлар,  
Жуда ҳазин куйлар чалади.  
Мен ёлғизман, юрак — сирдошим:  
Менинг дардим ким ҳам билади?  
Юрагимда не бор билмайсиз?..  
Қароғимда титраган күз ёш,  
Юрак бағрим эзиб ўтади.  
Самоларга ўрлаган нолам,  
Маҳзун кўкни тилиб ўтади.  
Юрагимда не бор билмайсиз?..  
Тезроқ тонгим ота қолсайди,  
Чекинардим тун, зимистондан.  
Кўзим сизни кўра қолсайди,  
Кўнгил фақат сизни қўмсайди.  
Юрагимда не бор билмайсиз...

## АРМОНЛИ ИЗҲОР

Дил турёни бўғзимга келди,  
Айтар сўзим айтишим керак!  
Менга армон бўлмасин учун,  
Бугун сендан қайтишим керак!  
Шоирим йўқ энди ҳаётда,  
Лабларимда табассум қотди.  
Кеча кўнгил деган сирдошим,  
Бир умрга сени йўқотди.  
Қисмат дейман, лек сўзим ёлгон,  
Севиб, аммо чекинди қалбим.  
Энди сен деб урмайман фиғон,  
Энди мен деб яшама бир он.  
Мен сен эмас, сен ҳам мен эмас,  
Дилинг уфқин самога созла.  
Энди мени юрагингданмас,  
Хазон бўлган боғлардан изла!

**АЙТ, ЯНА КИМИМ БОР,  
СЕНДАН БЎЛАК**

Орзуларим зулматда қолса,  
Дилга кимдир армонлар солса,  
Хаёл сени ўйлашдан толса,  
Айт, яна кимим бор, сендан бўлак?  
Севги насимлари оҳиста тинди,  
Очилмоқ истарди, ғунча ҳам сўнди,  
Сенсиз яшамоққа юрак ҳам кўнди,  
Айт, яна кимим бор, сендан бўлак?  
Юлдузим ёнида юлдуз чақнамас,  
Севги эртаклари энди алқамас,  
Истасанг-да, афсус, кўзларим боқмас,  
Айт, яна кимим бор, сендан бўлак?  
Кўзинг ўти йўлимга фараҳ,  
Қошинг тунда осмонига моҳ,  
Сўровларинг дилни ўртар, оҳ!  
Айт, яна кимим бор, сендан бўлак?

## СИНФДОШЛАРИМГА

Не эди у қалбимни эзиб,  
Ҳам ҳаётга беради илинж,  
Яшар фақат кўзда, юракда,  
Билсам экан бу туйғу соғинч.  
Бугун сени соғиндим дилдош,  
Эслайману, кўзларимда ёш.  
Ўтиб кетди ўн бир йил сувдек,  
Қайта кўрсам сени синфдош.  
Жиринг этса агар қўнғироқ,  
Жуда хурсанд бўлардик, бироқ —  
Катта ҳаёт деган нарсани,  
Ўйлабмизки, у биздан йироқ.  
Мактабдаги меҳр-оқибат,  
Дўстлар аро вафо, садоқат.  
Умримизга сайқал бераркан,  
Ҳатто мактабдаги муҳаббат.  
Эсла, бир зум мактаб боғларин,  
Сайрларга чиққан чоғларни.  
Бунча азиз бўлмаса дийдор,  
Ортга қайтса у дамлар бир бор.  
Бир зумгина синфда бўлсак,  
Сирлашардик дилларда не бор?  
Омон бўлгин, қайда бўлсанг ҳам,  
Тақдирингдан куюнма ҳеч ҳам.  
Бир мен эмас мактаб даврини,  
Синфдошим, эслаб юр сен ҳам!

## ДУСТИМ...

Дўстим, десам юрагингни оч ишониб,  
Кўзингдаги муҳаббатдан яшай қониб,  
Уволим бор, кетиб қолма бир кун тониб,  
Юрагимда умидларни уйғотсанг бас!  
Дўст бўлай деб қўл узатдим, тортма қўлинг,  
Нима бўпти, туташса гар менга йўлинг,  
Ёритаман меҳрим ила ўнгу сўлинг,  
Юрагимнинг урганини эслатсанг бас!  
Қалбим сезар дилимиз бир, дилдошим бўл,  
Юрагимга яширайин, дил тошим бўл,  
Сирларимни очай сенга, сирдошим бўл,  
Юрагимда умидларни уйғотсанг бас!  
Негадир мен сени дўст деб атаяпман,  
Юзин бурди дўст деганим, кетаяпман-  
Кетаяпман... юрагингга етаяпман,  
Юрагимда умидларни уйғотсанг бас!

## ОШИҚЛАР

Кўзлар кўзга тушса нигоҳлардан маст,  
Севги шароби-ла бир умр сармаст,  
Ёши ўтиб борар, ишқи қаримас,  
Бир кўрсам эди деб яшар ошиқлар...  
Унинг ёди ила йўллари нурли,  
Бу-бир бахтиёрлик эрур сурурли,  
Ишқин барча билмас, сирданда-сирли,  
Бир кўрсам эди деб яшар ошиқлар...  
У учун фарқи йўқ ҳечам оламнинг,  
У учун писандмас дарду алами,  
Васлин қўмсаб яшар қоши-қаламнинг  
Бир кўрсам эди деб яшар ошиқлар...  
Тан олмас барибир йўллари айро,  
Ва лекин қисматга бўлмайти ҳайрон,  
Бир ўзи-ўзига бахт тилар ҳар он,  
Бир кўрсам эди деб яшар ошиқлар...  
Дунё гўзалликка интилиб яшар,  
Муҳаббат инсонга қалбдай ярашар,  
Аслида ишқ ила кўрклидир башар,  
Бир кўрсам эди деб яшар ошиқлар...

\* \* \*

Айтса эди, соғинчимни қаро тун,  
Сирларимни сизга сочсин тўлин ой.  
Юрагимда армон йиғлайди, бугун,  
Олидан яқиним, юрагим менинг.

Шунчалар олиссиз, нигоҳим етмас,  
Юрак-ла сезаман борлигингизни.  
Шунчалар яқинсиз, лек оҳим етмас,  
Биламан ўзгага зорлигингизни.

Ранжиманг, дилимни тўкиб солайин,  
Ахир фақат сиз-ку сирдошим менинг.  
Айтмайман дейману, айта қолайин,  
Борлигим, ҳаётим, севгилим менинг!



## Ё... УНУТИБ...

Осуда тун армон қўлига,  
Юрагимни беаёв тутди.  
Ёнингдан деган сирдошим,  
Наҳот энди мени унутди.  
Кўниколмай ҳижрон домига,  
Йўлларингда қолди-ку кўзим?..  
Бахтли эдим ўтли кўзингда,  
Кўролсайдим ўзимни-ўзим...  
Кетсанг сенга қайт деёлмайман,  
Ё... унутиб кетолмам узоқ.  
Севасанму, айт деёлмайман,  
Дил кулбамга солгансан тузоқ.  
Ҳаёт гўзал ҳис қилолмайман,  
Бир бор яшай, бер менга илинж.  
Кўларингда термулолмайман,  
Юрагимда қолди-ку ўкинч!

## ОНА

Ой нурларин хира таратар,  
Она, маҳзун бўлса кўзингиз.  
Қаро тунда ойдин тонг отар,  
Гар айтилса, “болам” сўзингиз  
Кундуз озор чекиб биз учун,  
Сездирмайсиз кўзингиздан ҳам.  
Дарлларингиз кўпу ва лекин,  
Илғамаймиз сўзингиздан ҳам.  
Юрагингиз болам деб уриб,  
Бизлар учун яшайсиз, она.  
Фарзандидан минг озор кўриб,  
Яна бизга бўлар парвона.  
Ўзингиз-чун яшанг, онажон,  
Бунча куйиб ёнасиз бизга?  
Мени доим бир савол қийнар,  
Ҳаёт керакмасми, эҳ она сизга?!

## ФИРОҚ

Қоя ўзинг каби мени ҳам,  
Осмонларга узвий боғлаб қўй.  
Бахтдан бошқа тилай нени ҳам,  
Ўксик дилим ўзинг чоғлаб қўй.  
Юксақдасан сирим айтгани,  
Ёнгинангга бир боролмайман.  
Мағрурсанки, нечун айт қани,  
Ё... бир ваъданг ола олмайман.  
Ўттан баҳор лола очилса,  
Кўришармиз дегандинг бироқ-  
Баҳор ўтиб, ёз, куз, яна қиш,  
Ўртамизда саргардон фироқ.  
Нега жавоб ўрнига ҳануз,  
Менга маъюс боқиб қоласан.  
Айтолмайсан ҳатто битта сўз,  
Наҳот маҳзун яшай оласан?  
Сендан таскин кутиб яшардим,  
Шул сабабки, дилим сўйлардим.  
Кўп эди-да, айттулик дардим,  
Дўстим фақат сен деб ўйлардим.  
Сўнги сўзим эй мағрур қоя,  
Дилхун бўлиб яшама бир он!  
Келдим, мана кетдим, ниҳоят,  
Энди ҳеч ҳам қайтмайман ишон!

## ТАҚДИР

Юксакларда порлаган шуъла,  
Орзулардан нишона экан.  
“Болам” дея йироқлардан ҳам,  
Соғингувчи бир она экан.  
Дунёлардан кўнглимиз қолса,  
Умид бизни асраб қоларкан.  
Интизор-ла бир кўнни кутсанг,  
Лаҳзалар ҳам аср бўларкан.  
Душманларинг тош отса агар,  
Отанг сенга қалқон бўларкан.  
Иймонсизлар тўйса ҳаётдан,  
Халоскори арқон бўларкан.  
Тўйдим демас бойваччаларинг,  
Пойдевори балаңд бўларкан.  
Нафи тегмас бўлса болангинг  
Эшитганинг лаънат бўларкан.  
Хонадоннинг чироғи, нури,  
Ўғил-қизинг — фарзанд бўларкан.  
Ота меҳр берса болага,  
Жони жонга пайванд бўларкан.  
Сўяб турган тоғинг қуласа,  
Нажоткоринг оллоҳ бўларкан!

## ИЛИНЖ

Ситамлардан ранжима, дўстим,  
Бизга гунча кулгулари бор.  
Юрак йиғлаб, кўзинг кулса-да,  
Бизга бахтнинг туйғулари бор.  
Дейсан: - “Нега ҳаёт унақа?”  
Саволингга ҳайрон қоламан.  
Нолийверма, дунё шунақа,  
Мен ҳам доим ўйлаб толаман.  
Овутаман, ўзим бағрим қон,  
Кўзда ёшим титрабон қолар.  
Қалбда ғамлар қурганда кулба,  
Иложсизман, мисоли телба.  
Бошда турли дарду ғавғолар,  
Чарх уради тинмайин нега?  
Кимда қандай алам, савдолар,  
Қаранг, қандай сабрсизман-а?  
Дардлар майли, ариб ҳам қолар,  
Йиғим тўхтаб қолди-ку, мана.  
Ғамларим кўп, қариб ҳам қолар,  
Чидарканмиз қандоқ барига?  
Ёлвораман, ҳатто бир нафас,  
Ватангадо бўлмасам бўлди.  
Алдови кўп, ёлгон дунёда,  
Беватандек ўлмасам бўлди!..

## БАЛКИ..

Балки, умр бўстони,  
Ё елларнинг тўзони  
Билмадим, у не экан?  
Балки, ёшлик хазони.  
Балки, моҳнинг йиғиси,  
Балки, юлдуз кулгуси  
Балки ўксиган юрак,  
Балки ушалган тилак.  
Билолмадим, не эди,  
Ярми кулгу, ярми дард.  
Кулганимда бор эди,  
Йиғлаганда йўқ ҳамдард.  
Балки, кўздир чақнаган,  
Балки, булоқ қақраган.  
Ёки хушгина нафас,  
Ёки зимистон қафас.  
Омад кулар бошимда,  
Гоҳ ҳеч ким йўқ қошимда.  
Омад келса ҳамма шод,  
Тарк айласа ҳамма ёт.  
Балки, у порлоқ қуёш,  
Ё кўзимда аччиқ ёш.  
Балки, орзудан нишон,  
Ёки маҳзун бир армон.  
Балки, гулдир очилган,  
Ҳазабдур ё сочилган.  
Балки, ширин субҳидам,  
Ё зулматли тун оқшом.  
Ишонсангиз ўзим ҳам,  
Жумбоғимни ечолмам.  
Тахмин айтаман келинг,  
Сиз ҳам бирор нарса денг.  
Ярми бол, ярми тахир.  
Эмасмикан бу тақдир?

## БЕШАК ЭМАС..

Деразамга урилиб чак-чак,  
Илиқ ёмғир савалаб ўтди.  
Нур улашиб кўкдан беланчак,  
Табиатни аллалаб ўтди.  
Шитир-шитир майса қўйнида,  
Мудроқ ниҳол тебранди маҳзун.  
Олам сокин нелар ўйида,  
Нигоҳ бесас, узундан-узун.  
Гул табиат куз қучоғида,  
Тонгда нурга чўмилди бир дам.  
Гулга шудринг тушган чоғида,  
Чирой очди яна субҳидам.  
Маъюс бунча кузнинг кўзлари,  
Дарди бору сўйламас бироқ.  
Кўзларидан ўйчан сўзлари,  
Нигоҳида нечун сир, фироқ?  
Бешак эмас, унинг номи - Куз

## АЙТИНГ

Дўстим қўлларидан узилса қўлим,  
Айро манзилларга туташса йўлим,  
“Умринг тамом” дея тик боқса ўлим,  
Кимдан нажот сўрай, Оллоҳим айтинг?  
Ёқамдан олса ҳам ҳаёт беаёв,  
Тилимни этса гар виждоним суров,  
Беайб қадамим-чун сўрашса тўлов,  
Кимдан нажот сўрай, дунёлар, айтинг?  
Қадр инъом этмиш инсонга тақдир,  
Баъзиларга ширин, баъзига тахир,  
Ҳаёт сендан тўхфа кутгандим, ахир,  
Кимдан нажот сўрай, уммонлар айтинг?  
Мендан кетиб қолса бахтим қарори,  
Сўқмоқда бўзласа орзум баҳори,  
Армондан сўйласа юраклар тори,  
Кимдан нажот сўрай, осмонлар айтинг?  
Ишонганим ёв чиқиб, сирим очсалар,  
Қаро тун кўксимга ғамлар сочсалар,  
Дўстларим кўзларин олиб қочсалар,  
Кимдан нажот кутай, онажон, айтинг?



## ҚАЛБ ЧОРЛАЁТИР...

Тугён урар юракда бир сас,  
Лолазорга кетгим келяпти...  
Чорлаётир мени бир овоз,  
Йироқларга кетгим келяпти.  
Оппоқ булут сенга термулиб,  
Орзуимни айтгим келяпти...  
Юлдузлардек осмонга тўлиб,  
Яна ерга қайтгим келяпти...  
Шударинг тушган гул кўзларини  
Кўзларимда кўргим келяпти...  
Мажнунтолнинг эгилиб турган,  
Сочларини ўргим келяпти...  
Шодликлардан оламга сиғмай,  
Кулгуларга тўлгим келяпти...  
Бахтнинг яшил водийларида,  
Армонларсиз юргим келяпти...

## АЛДАДИ-КЕТДИ

Сўзларидан ифор таратиб,  
Дилга ишонч қадади кетди.  
Ўзни баҳор дея танитиб,  
Кузлар мени алдади-кетди.  
Вафоси йўқ экан лоланинг,  
Уч кун ўтмай тўкилди-толди.  
Кўзларимда қотган ноланинг,  
Дили-жони ўкинди-қолди.

## ИШОНГИЛ МЕНГА

Саодат боғида бир гул бўлай деб,  
Қалбларим орзиқар энтиқар юрак.  
Майли бахт боғида бирдам бўлай деб,  
Дилгинам сўрайди: бошқа не керак?  
Аста урган ўтли митти юракчам,  
Менга ўзимдан ҳам кўп бахт тилайсан.  
Сен танҳо дўстимсан, сенсан бўлакчам,  
Ахир дилда не бўлса, ўзинг билгайсан.  
Биз дўстмиз яширин, йўқ, балки ошкор,  
Абадий сақлагум дўстликни албат.  
Яширин дилдошдан айтинг не даркор?  
Юрак дўстлигимиз асра то абад!  
Ўзингдан энг сезгир дилни олғувчи,  
Дилдошни топмадим, билмайман нега?  
Айтолмам сирларим бегоналарга,  
Юрак дардим аёндур сенга ва менга.  
Кел, қалбим, мен сенга ишониб яшай  
Дилимда не бўлса ишониб сочай.  
Лекин сен билмаган дилда сўзим йўқ.  
Шундай экан, мен сенга қандай сир очай?  
Ишонсанг, юрагим ўзингга қанча,  
Ишонгил, менга ҳам ўзингдек шунча.  
Ҳижронлардан холи ўтган кун?..

## СИЗНИ КЎРДИМ

Сизни кўрдим ойга ҳамроҳ бўлиб,  
Юлдуз билан диллашардингиз.  
Қаердадир чақнаган юлдуз  
Билан гўё сирлашардингиз.  
Осмон қаро, кўзингиз қаро,  
Юрагингиз бунча тош экан.  
Севги билан боққан нигоҳим,  
Билсам аччиқ, армон — ёш экан.  
Мен дилингиз этмайман асир,  
Қарорим йўқ, унамас кўнгил.  
Сизни минг бор унутиб ҳар кун,  
Тонгда яна севиб қолар дил!  
Борму ахир сизни унутиб,  
Тонг оттириб, ойни кутган тун!!!  
Бир лаҳзага сизсиз оламда,  
Ҳижронлардан холи ўтган кун?..

\* \* \*

Нега шодликларни қарзга олиб,  
Ёлгон кўзларинг-ла боқмоқчи бўлдинг?!  
“Сўзларим рост” дея кўкка жар солиб,  
Дилимга оловлар ёқмоқчи бўлдинг?!  
Хўрланган бу қалбим излайди сабот,  
Битган байт, ғазалинг тоабадмас-ку.  
Сароб туйғуларинг неларга исбот,  
Сен ахир мен кутган муҳаббатмас-ку?!  
Қўй, мени саробга етаклама, бас,  
Ёлгон дил изҳори айт нега керак?!  
Ҳали қалб қўърингдан келади бир сас,  
Ана шу сендаги бедор бир юрак.

\* \* \*

Олислаб кетяпти юракда изҳор,  
Паноҳ тополмайди айтилажак сўз.  
Хаста бу қалбим ғам бўлсада иқрор,  
Фақат ишонмайди гувоҳ икки кўз.

Ахир у шоҳиди бўлган висолнинг,  
Нигоҳлар гуноҳсиз, қарғаманг уни.  
Сиз қайдан биласиз ўша кўзларга,  
Буйруқ берган эди юрак шу куни.

Муҳаббатли дилга ёр бўлар Оллоҳ,  
Бас етар чекинмоқ эмас осон иш!  
Бу лазиз туйғудан сўрангиз паноҳ,  
Севиб қолмоқлик ҳам ширин бир ташвиш.

\* \* \*

Дилда нигоҳингнинг таъқиблари бор,  
Улар сўқмоқлардан бўзлайди менга.  
Дунё бизга битган рақиблари бор,  
Улар армонлардан сўзлайди менга.  
Уфқнинг бир ҳазин кўзидан бўлак,  
Менинг юрагимга малҳам йўқмикан.  
Ёки тилаганим, ўзингдан бўлак,  
Юракка қадалган қонли қўлмикан?

\* \* \*

Уйғоқмикин, юлдуз милтираб,  
Кўзларимга термулади жим.  
Кипригида кўзёш ялтираб,  
Нимагадир йиғлайди юм-юм.  
Йиғлама, эй девона юлдуз,  
Юрагингда лахта-лахта қон.  
Айтолмайман сенга битта сўз,  
Юрагим ҳам сенингдек вайрон.  
Ачинаман ҳолингга ўзим,  
Юпанч бўлай биргина сенга.  
Нажот истар бу икки кўзим,  
Ким ҳам далда бўларди менга?  
Куюнмоқ ҳам нечундир, нечун,  
Ҳасратларим кимга ҳам керак?!  
Митти юлдуз сўрайман сен-чун,  
Худойимдан бир парча юрак.

## ҲАЁТ - МУЗАФФАР

Бир тутам орзуни қўлимда тутиб,  
Сингиб бораяпман кўкнинг қаърига.  
Аччиқ ҳайратларим ичимга ютиб,  
Силтаб бораяпман қўлим барига.

Елгон сўйлаётган нигоҳлар асли,  
Менимас, ўзининг эрмаги бўлур.  
Фироқларга туташ меҳрнинг васли,  
Оллоҳ насиб этса дилимга тўлур.

Интилмоқ аслида ярим саодат,  
Лекин чекинмоқлик эмасдир зафар.  
Дилдош, ўзинг учун ярата ол бахт,  
Ҳар лаҳза ганимат, ҳаёт — музаффар!

## МУНДАРИЖА

Онамга .....	3
Отамга .....	4
Таскин .....	5
Фоний дунё .....	6
Ягона қарзим .....	7
Мунаввар тонглар... ..	8
Кўнгиллар доди .....	9
Юрагимда не бор билмайсиз... ..	10
Армонли изҳор .....	11
Айт, яна кимим бор, сендан бўлак .....	12
Синфдошларимга .....	13
Дўстим... ..	14
Ошиқлар .....	15
“Айтса эди, соғинчимни қаро тун...” .....	16
Ё... унутиб... ..	17
Она .....	18
Фироқ .....	19
Тақдир .....	20
Илинж .....	21
Балки... ..	22
Бешак эмас... ..	23
Айтинг .....	24
Қалб чорлаётир... ..	25
Алдади-кетди .....	26
Ишонгил менга .....	26
Сизни кўраим .....	27
“Нега шодликларни қарзга олиб...” .....	28
“Олислаб кетяпти юракда изҳор...” .....	28
“Дилда нигоҳингнинг таъқиблари бор...” .....	29
“Уйроқмикин, юлдуз милтираб...” .....	29
Ҳаёт - музаффар .....	30

*Адабиёт-бадиий насир*

МАҲБУБА ЭРМАТОВА

МУНАВВАР ТОНГЛАР

*Шеърлар*

Муҳаррир

Дилрабо МИНГБОВА

Техник муҳаррир

Елена ДЕМЧЕНКО

Мусахҳиҳ

Феруза ҚУВОНОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

Босишга 30.05.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобови 1,0. Шартли босма тобови 1,68.

Адади 100 нусха. Буюртма № 25.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

МЧЖ «EL-PRESS» босилди.

700113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.